

**ХАТБ “ Туркистон ”
Акциядорларининг
2016 йил “17” июндаги
умумий йиғилишида
тасдиқланган**

**“ТУРКИСТОН” ХУСУСИЙ
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ (РЕГЛАМЕНТ)
(янги тахрирда)**

Тошкент-2016 йил

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сонли “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 15 август), Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив Бошқарув Кодекси, ХАТБ “Туркистон” (кейинги ўринларда – “Банк”) Уставига ҳамда амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Банк Акциядорларининг умумий йиғилишининг мақомини, фаолиятини, уни ўтказиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органидир.. Акциядорларнинг умумий йиғилишнинг вазифалари ва ваколатлари қонунчилик ва Банк Устави орқали тартибга солинади.

1.4. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Банк акциядорларининг Умумий йиғилиши шахсан катнашиш шаклида ўтказилади.

1.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банк Кенгашини ва Банк тафтиш комиссиясини аъзоларини сайлаш тўғрисидаги, Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек Банкнинг йиллик ҳисоботи ва қонунда назарда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Банкнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказилади.

Раҳбар лавозимларга танловлар регламенти тасдиқланиб, унда танлов эълон қилиш, танловнинг объектив мезонлари уларнинг якуни бўйича янгича фикрловчи, замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакага эга бўлган, шунингдек, хорижий менежерларни танлаб олиш жараёнлари баён этилади.

1.6. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан бошқа ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари йиғилишлар ҳисобланади.

1.7. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, жой ва тартиби, уни ўтказиш тўғрисида акциядорларга маълум қилиш шакли, акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик жараёнида акциядорларга тақдим этиладиган материал (ахборот)лар рўйхати Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

1.8. Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ва навбатдан ташқари йиғилишларининг харажатлари Банк маблағи ҳисобидан қопланади.

II. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатлари

2.1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

а) Банк Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги Банк Уставини тасдиқлаш;

б) Банкни қайта ташкил этиш;

в) Банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- г) Банк Кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- д) эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- е) Банкнинг устав капиталини кўпайтириш;
- ж) Банкнинг устав капиталини камайтириш;
- з) ўз акцияларини олиш;
- и) Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, Бошқарув органини тузиш, унинг раҳбарини тайинлаш ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- к) Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- л) Банкнинг йиллик ҳисоботини, йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- м) Банкнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- н) Банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- о) кимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- п) корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- р) дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- т) Банк Кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот ва уларнинг вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳаражатларнинг компенсацияси миқдорини белгилаш.
- у) акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- ф) акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- х) Амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ц) Банк Кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк Кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;
- ч) қонун ҳужжатларига мувофиқ ва Банк Уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Банкнинг Бошқарув органига ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

2.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур Низомни, Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди.

2.3. Қуйида кўрсатиб ўтилган масалалардан ташқари Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Умумий йиғилишда иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлмиш акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш «бир акция - бир овоз» тартибда амалга оширилади.

Низомнинг 2.1-банди «а», «б», «в», «д», «е» ва «х» кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан 3(уч) қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Низомнинг 2.1-банди «х» кичик бандида назарда тутилган масала бўйича қарор битимдан манфаатдор бўлмаган акциядорлар - овоз берувчи акция эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядор Банк Кенгашининг аъзоларини сайлаётганда, ўзига тегишли акциялар бўйича битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли. Энг кўп миқдорда овоз олган номзодлар Кенгаш таркибига сайланган ҳисобланади.

2.4. Ушбу Низомнинг 2.1-банди «а», «б», «д», «е», «ж», «л», «м», «р», «т», «ф», «з» ва «х» кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарор фақат Банк Кенгашининг таклифи билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳар йили мустақил профессионал

ташкilotлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-режа ва лойиҳаларнинг Банкнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш бўйича қарорлар қабул қилади.

2.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқини (бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда) беради.

2.7. Банк Кенгаши аъзоларининг мукофот пули миқдорини Банк молиявий натижалари ва корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳоланиши натижалари билан боғлайди.

III. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқи. Акциядорлар ва уларнинг ваколатли вакилларини рўйхатдан ўтказиш

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорларнинг рўйхати Санок комиссияси томонидан тузилади ва имзоланади. Акциядорлар рўйхатида ҳар бир акциядорнинг исми (номи), унинг манзили (жойлашган жойи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

3.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санаси Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан олдин ва Умумий йиғилиш ўтказилиши санасидан 60 кундан олдин белгиланиши мумкин эмас.

3.4. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига ўзгартиришлар рўйхатни тузиш санасида кўрсатиб ўтилган рўйхатга киритилмаган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ёки уни тузишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ҳолларидагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

3.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорлар рўйхатига киритилган, Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакиллари, Банк аудитори, Банк Кенгаши ва Банк Бошқаруви аъзолари, Банк тафтиш комиссияси аъзолари ҳозир бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Шунингдек, йиғилишга Кенгаш, Бошқарув ва Тафтиш комиссияси таркибига сайлаш учун овоз бериш бюллетенига киритилган шахслар таклиф этиладилар.

3.6. Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати Кенгаш раиси, Бошқарув аъзолари ва санок комиссиясининг раиси томонидан имзоланади. Рўйхат акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан камида уч кун аввал акциядорлар эътиборига етказилиши керак.

3.7. Умумий йиғилиш очилишидан аввал акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар учун тузилган рўйхатни санок комиссияси текшириб чиқади. Тўланган устав капиталининг 20 фоизидан кам бўлмаган қисмига эга акциядор (акциядорлар)нинг талабига кўра рўйхат йиғилиш жараёнида ҳам текширилиши керак. Бунинг учун акциядорлар уч кишидан кам бўлмаган таркибда комиссия сайлайдилар, акциядорларнинг рўйхатини текширишни талаб этган акциядорлар гуруҳи эса комиссияси таркибига камида бир кишини вакил қилиб киритиш ҳуқуқига эга.

3.8. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган

ва вакил қилинган шахс тўғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига оид маълумотлар) бўлиши лозим. (3-илова)

Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

Акциядор умумий йиғилиш ўтказиладиган санадан аввал уч кун муддатдан кечикмай саноқ комиссиясига ариза ёзиб, ўз вакилига берган ишончномани қайтариб олиш ёхуд худди шу тартибда бошқа шахсга янги ишончнома расмийлаштириш талаб этилади.

3.9. Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йиғилиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган жой ва вақт бўйича рўйхатдан ўтишлари керак.

3.10. Умумий йиғилишда қатнашиш учун келган жисмоний шахслар бўлган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат кўрсатилгач, вакилга нисбатан эса - нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома кўрсатилгач амалга оширилади.

3.11. Банк акциядори бўлган юридик шахс раҳбари Умумий йиғилишдаги ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат асосида амалга оширади.

3.12. Акциядор бўлган юридик шахснинг вакили Акциядорлар умумий йиғилишида ташкилот раҳбарининг ёки бунга таъсис ҳужжатлари билан вакил қилинган бошқа шахснинг имзоси чекилган, ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланган унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлган тақдирда қатнашиши мумкин.

3.13. Умумий йиғилишга келган акциядорларни рўйхатдан ўтказиш Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатига мувофиқ юритилади. Ушбу рўйхат Банк акциядорлар реестри бўйича Банк Кенгаши қарори билан белгиланган санадаги маълумотлар асосида тузилади.

3.14. Банк Акциядорларининг умумий йиғилишида ҳар бир минтақа (вилоят, туман)дан акциядорлар вакиллари (делегат) иштирок этишлари мумкин. Улар Банкнинг филиалларида, акциядорлар – юридик шахслар жойлашган ва акциядорлар – жисмоний шахслар яшайдиган жойлари бўйича ўтказиладиган минтақавий йиғилишларда сайланадилар.

3.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорлар вакиллари сайлаш тартиби ва ваколат меъёри Банк Кенгаши томонидан белгиланади.

Бунда Банк Кенгаши ва акциядорлар қуйидагиларга амал қиладилар:

ҳар бир акциядор йиғилишда шахсан ёки ўз вакили орқали иштирок этиш масаласини мустақил ҳал этади. Ваколат меъёрларининг энг кам чегараси белгиланмаган;

ваколат меъёрларини белгилаш овоз берувчи акцияларни акциядорлар вакиллари ўртасида тенг равишда тақсимланишини назарда тутмайди;

Банк филиали фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир минтақасидан энг камида акциядорларнинг бир вакили қатнашиши керак;

акциядорларнинг бир вакили кўлида жамланган (унинг ўз акцияларини ҳам ҳисобга олган ҳолда) овоз берувчи акциялар сони йиғилишни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган санада овоз берувчи акциялар умумий сонининг 35 (ўттиз беш) фоизидан ошиғини ташкил этмаслиги лозим.

3.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида Банк Кенгаши қарор қабул қилгунга қадар акциядор (акциядорлар) умумий йиғилишнинг кун тартибини тузиш жараёнида, Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссияси ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилишида ўз манфаатларини ифодалаш учун ишончли вакилни танлаш ҳуқуқига эга. Банк Кенгаши ва Бошқаруви бу масалада акциядорларга керакли ёрдам кўрсатишлари керак.

3.17. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига

мувофиқ ҳар бир филиалда минтақавий йиғилишларни ўтказиш учун 1а иловага мувофиқ шаклдаги акциядорларни қайд этиш рўйхати тузилади. Акциядорларни қайд этиш рўйхати муқоваланган, рақамланган, тикилган, филиал муҳри билан тасдиқланган бўлиши ва минтақавий йиғилиш ўтказиб бўлингандан кейин минтақавий филиал баённомаси билан бирга Банкнинг санок комиссиясига топширилиши керак.

Минтақавий йиғилишларда акциядорлардан олинган ишончнома асосида акциядорларнинг ҳар бир сайланган вакилига белгиланган шакл бўйича рўйхатга олиш карточкаси тузилади.

3.18. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши иштирокчилари ва уларнинг вакиллари рўйхатдан ўтказиш учун Банкнинг бош офисида белгиланган шакл бўйича акциядорлар вакиллари қайд этиш рўйхати тузилади. У муқоваланади, рақамланади, тикилади ва Банкнинг муҳри билан тасдиқланади.

3.19. Умумий йиғилишда қатнашувчи акциядорлар ва уларнинг вакиллари овоз бериш бюллетенларини олганликлари тўғрисида (2-илова) қайд этиш рўйхатига (1в илова) имзо чекадилар. Бу бюллетенда ишончнома берганларнинг тақдим этилган овоз берувчи акцияларнинг сони, акциядорлар вакилининг қайд этиш карточкаси рақами кўрсатилади.

3.20. Банк акцияларининг номинал сақловчиси Акциядорлар умумий йиғилишида ушбу Низомнинг 3-бобида кўрсатилган тартибда акция эгаси тарафидан берилган ишончнома асосида қатнашиши мумкин.

3.21. Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати тузилган санадан сўнг ва Умумий йиғилиш ўтказиладиган санагача акциялар бошқа шахсга белгиланган тартибда берилган тақдирда, Банк ҳужжатни сотиб олганга сотиб олинган акциялар бўйича унинг овоз бериш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бериши лозим.

IV. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда Банк Кенгаши қуйидагиларни белгилайди:

умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

умумий йиғилишнинг кун тартибини;

умумий йиғилиш ўтказиш учун банк акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга ва давлат вакилига хабар қилиш тартибини;

умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

4.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30(ўттиз) кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Банк бошқа оммавий ахборот воситалари (телевидение, радио) орқали Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларни қўшимча равишда хабардор қилишга ҳақлидир.

Банк акциядорнинг талабига кўра унга уни Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқини берувчи акциядорлар рўйхатига киритиш тўғрисидаги ахборотни (текин) беришга мажбурдир.

4.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

4.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриляётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган материалларга банкнинг йиллик ҳисоботи, банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан банк тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Банк Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси, шунингдек Банк Кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Банкнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

4.5. Агар Банк акциядорлари реестрида рўйхатдан ўтказилган шахс акцияларнинг номинал эгаси бўлса Умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома акцияларнинг номинал эгасига юборилади. Акцияларнинг номинал эгаси уни ўз мижозларига қонун ҳужжатларида ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган муддатларда етказиши керак.

4.6. Банк Акциядорлари умумий йиғилиши кун тартибига доир таклифлар банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эгаллик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда банк кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли. уларнинг сони ушбу органлар сон таркибидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Акциядорлар (акциядор) Банк Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кундан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда киритилади.

Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод қилиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.8. Банк Кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу низомнинг [4.6](#) бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт.

4.9. Акциядорлар (акциядор) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банк Кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

ушбу низомнинг [4.6](#) бандида белгиланган муддатга акциядорлар (акциядор) томонидан рияз этилмаган бўлса;

акциядорлар (акциядор) банкнинг ушбу низомнинг [4.6](#) бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

ушбу низомнинг [4.7](#) бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса; таклифлар ушбу Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

4.10. Банк Кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.11. Банк Кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк Кенгашига ва Тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, Тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

5.2. Банк тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Банк Кенгаши томонидан амалга оширилади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак.

5.4. Банк Кенгаши банк Тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидоги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

5.5. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда, бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.7. Тафтиш комиссияси ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк Кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши керак.

5.8. Тафтиш комиссиясининг ёки банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, агар:

акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) ушбу низомнинг 5.1. бандида назарда тутилган миқдордаги банк овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси ҳам акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига кирмаса;

кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала ушбу қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.9. Банк Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги асослантилган қарори йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.10. Банк Кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

5.11. Банк Кенгаши ушбу Низомда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган тақдирда ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра банкнинг маблағлари ҳисобидан қопланиши мумкин.

5.12. Банк томонидан Банк Кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши ушбу Низомга мувофиқ тартибда чақирилади.

VI. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қворуми

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (қворумга эга) бўлади.

6.2. Агар йиғилиш бошланиши учун белгиланган вақтдан сўнг 60 минутдан ортиқ вақт давомида қворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

6.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу низомга назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

6.4. Агар такрорий йиғилишда қворум тўпланмаса, у ҳолда акциядорлар ташаббуси билан чақириладиган йиғилиш бўлиб ўтмаган деб ҳисобланади ва бундан кейин чақирилмайди: Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Банк аудиторининг ташаббуси билан Банкнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг жами бўлиб камида 50 (эллик) фоизга эгаллик қилувчи акциядорлар (уларнинг вакиллари) ҳозир бўлиши таъминланмагунча қайтадан чақириладиган.

6.5. Қворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 (йигирма) кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

VII. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органлари

7.1. Акциядорлар умумий йиғилиш ишчи органлари бўлиб Раёсат, Санок комиссияси ва Котибият ҳисобланади.

7.2. Акциядорлар умумий йиғилиши Раёсати ва раиси Акциядорлар умумий

йиғилишида сайланади. Бунда Акциядорлар умумий йиғилиш президуми таркибига лавозимига кўра Банк Кенгаши раиси киради.

7.3. Акциядорлар Умумий йиғилиши Раиси йиғилиш раёсатига бошчилик қилади, йиғилиш олиб борилишини таъминлайди ва бунинг учун у ўз вазифаларини зарур тартибда бажарилиши учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлади.

7.4. Умумий йиғилиш Раиси йиғилишнинг боришига раҳбарлик қилади, Умумий йиғилиш ишчи органлари ишини мувофиқлаштиради, масалаларни муҳокама қилиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг нутқ сўзлашлари вақтини чегаралайди, йиғилишни олиб бориш ва овоз бериш давомида тушунтиришлар беради, залда тартиб ўрнатилишини назорат қилади.

7.5. Умумий йиғилиш Раиси Умумий йиғилиш баёни ва қарорини имзолайди.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банк Кенгаши таклифига кўра, 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда келгуси умумий йиғилишгача бўлган муддатга Умумий йиғилишнинг мустақил органи бўлиши Санок комиссиясини сайлайди. Санок комиссиясининг миқдорий ва шахсий таркиби, шунингдек у тўғрисидаги низом Банк Кенгашининг таклифига биноан Акциядорларнинг умумий йиғилиш томонидан тасдиқланади.

7.7. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг якка таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади.

7.8. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Санок комиссияси Банк Кенгашининг топшириғига кўра Бошқарув билан биргаликда:

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузади;

овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа материалларини беради ва юборади, берилган (юборилган) бюллетенлар ҳисобини олиб боради.

7.9. Акциядорлар умумий йиғилишида олдинги Умумий йиғилиш томонидан сайланган санок комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказди;

ишончномалар ва улар томонидан берилган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

Умумий йиғилиш қатнашчиларига овоз бериш бюллетенларини ва Умумий йиғилишнинг бошқа ахбороти (материаллари)ни тақдим этади;

Акциядорлар умумий йиғилиши кворуми мавжудлигини аниқлайди;

Умумий йиғилиш ишчи органларини сайлашни ташкил этади;

Бўлиб ўтаётган Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланган санок комиссияси:

акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан Умумий йиғилишда овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан пайдо бўлувчи масалаларни тушунтиради;

овоз беришга қўйилаётган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда қатнашиши ҳуқуқини таъминлайди;

овозларни санайди ва овоз бериш яқунларини чиқаради;

овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳужжатлари, шу жумладан овоз бериш бюллетенлари (муҳрланган ҳолда), ишончномалар (нусхалари) ва бошқа ҳужжатларни Банк архивига топширади;

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларга маълумотнома ва рўйхатдан кўчирмалар беради.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши очилишидан аввал Банкнинг санок комиссияси йиғилишга келган акциядорлар ва уларнинг вакилларининг рўйхатдан ўтиш

натижалари, кворум мавжудлиги тўғрисида умумий йиғилишга ахборот беради. Рўйхатга олиш натижалари Банк Кенгаши Раиси ёки унинг ўринбосарларига топширилади.

7.11. Банк акциядорларнинг умумий йиғилиши оддий кўпчилик овоз билан йиғилиш Котибиятини сайлайди. Котибиятнинг миқдорий ва шахсий таркиби Банк Кенгаши таклифига кўра акциядорларнинг Умумий йиғилишида тасдиқланади.

7.12. Акциядорлар умумий йиғилишининг котибияти куйидагиларни амалга оширади:
умумий йиғилишнинг ўтиш жараёнини ёзиб боради;
кун тартибидаги масалалар муҳокамасида иштирок этиш истагини билдирганларнинг ёзма буюртмаларини ёзиб боради ва уларни ҳайъатга топширади;
акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини тузади.

VIII. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига куйидагилар эга:

Банкнинг оддий (одатдаги) акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар кун тартибидаги барча масалалар бўйича;

Банкнинг имтиёзли акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар фақат Банкни қайта ташкил этиш ва тугатиш масалалари, шунингдек Банк Уставига имтиёзли акция эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда.

Акциядор бўлмаган Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари акциядорларнинг Умумий йиғилишида маслаҳат овози бериш ҳуқуқига эга.

8.2. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида овоз бериш «банкнинг овоз берувчи битта акцияси-битта овоз» қондасига мувофиқ ўтказилади. Банк Кенгаши аъзоларини сайлаш жараёнида акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни бир номзод учун тўлиқ беришга ёки уларни бир қанча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли (кумулятив овоз бериш). Энг кўп овоз олган номзодлар Кенгаш таркибига сайланган ҳисобланадилар.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш бюллетенлар ёрдамида амалга оширилади. Йиғилишни ўтказиш тартиби, ишчи органларни сайлаш оддий кўл кўтариш йўли билан амалга оширилади.

8.4. Овоз беришда акциядор (унинг вакили) қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқорида қайд этилган талабларга ҳилоф тарзда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб эътироф этилиб, уларда бу масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетени овозга қўйилган бир нечта масалани қамраб олган бўлса, бир ёки бир нечта масала бўйича юқорида қайд этилган талабга риоя этмаслик овоз бериш бюллетенининг бутунлай ҳақиқий эмас деб эътироф этилишига олиб келмайди.

8.5. Агар овоз бериш натижаларига кўра қарор учун умумий йиғилишга тақдим этилган овоз берувчи акцияларнинг ярмидан кўпи овоз берган бўлса, бундай қарор қабул қилинган ҳисобланади. Ушбу Низомнинг 2.3-бандида айтиб ўтилган масалалар бундан мустасно.

8.6. Умумий йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича овоз бериш амалга оширилмайди ва акциядорлар йиғилиши улар бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

8.7. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишига Банкнинг тўланган барча капитали тақдим этилган бўлса, йиғилишни чақириш вақти ва шаклидан қатъий назар у қонуний деб топилади. Ушбу йиғилиш кун тартибига киритилмаган масалаларни агар бу масалалар муҳокамасига овоз бериш ҳуқуқига эга барча акциядорлар розилик билдирса, ҳал этиш мумкин.

8.8. Банк Кенгаши, Тафтиш комиссияси, Бошқарув аъзолари уларни жавобгарликка тортиш ёки лавозимидан четлаштириш ёхуд улар томонидан имзоланган ҳужжатларни

тасдиқлаш масалалари ҳал этилаётган вақтда овоз бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

8.9. Санок комиссияси овоз бериш яқунлари бўйича баённома тузади ва уни санок комиссиясининг раиси ва аъзолари имзолайдилар.

Овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённома Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига қўшиб қўйилади.

IX. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби

9.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тартиби акциядорларнинг ҳар бир Умумий йиғилишида ушбу Низомга мувофиқ тасдиқланади.

9.2. Банк Кенгаши Раиси ёки унинг ўринбосари санок комиссиясининг ахборотидан сўнг кворум мавжуд бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилишини очади. У ҳайъат, котибиятни ва санок комиссиясини сайланишни таклиф этади. Шундан сўнг ҳайъат томонидан сайланган акциядорлар умумий йиғилишининг Раиси бундан кейин йиғилишни олиб боришга киришади.

9.3. Умумий йиғилишни олиб бориш тартиби йиғилишнинг бошланиши ва тахминан тамом бўлиши вақтини, нутқлар қанча давом этиши ва танаффусларни, кун тартиби масалаларининг изчиллигини, кун тартиби масалалари бўйича маърузачиларнинг фамилиялари ва лавозимларини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон қилиш тартибини назарда тутади.

9.4. Йиғилиш давомида юзага келувчи жорий масалаларни раис бош принципдан: ҳар бир қатнашчининг белгиланган вақт доирасида сўзга чиқиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигидан келиб чиқиб яккабошчилик билан ҳал қилади.

9.5. Кун тартибидаги масалалар муҳокамаида иштирок этиш истагини билдирганлар Умумий йиғилиш котибиятига муҳокама қилинадиган масалани кўрсатган ҳолда буюртманомга берадилар.

9.6. Кун тартибидаги барча масалалар муҳокама қилингандан сўнг раис Акциядорлар умумий йиғилишини ёпиқ деб эълон қилади.

X. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси

10.1. Умумий йиғилиш котибиятининг сон ва таркиби Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

10.2. Котибият таркибини аниқлашга нисбатан ушбу Низомга мувофиқ Санок комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ Санок комиссияси аъзоларини тайинлашга қўйиладиган талабларга ўхшаш талаблар қўйилади.

10.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

10.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;

банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;

умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;

банк Кенгаши, Бошқаруви, Тафтиш комиссияси аъзолари ёки йиғилиш иштирокчиси бўлган ҳар қандай акциядорнинг эътирозлари;

умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

10.5. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар учун очик ҳужжат ҳисобланади.

Акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомалари акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомалари дафтарида қайд этилади. Ушбу баённомалар дафтари тикилади, рақамланади ҳамда Банкнинг муҳри билан мустаҳкамланади ва Банк котибиятида сақланади.

10.6. Санок комиссияси баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда Умумий йиғилиш баённомасига тикиб қўйилиши керак.

10.7. Баённома имзолангач, акциядорлар умумий йиғилишининг котибияти ва Санок комиссияси умумий йиғилиш ҳужжатларини, шу жумладан Умумий йиғилишнинг рўйхатдан ўтиш рўйхатини, акциядорлар вакилларининг рўйхатга олиш карталарини, ишончномаларини, чоп этилган овоз бериш бюллетенларини, санок комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш яқунлари тўғрисидаги баённомалар ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасини ҳам ҳисобга олган ҳолда йиғилиш ҳужжатларини архивда сақлаш учун Банкнинг котибиятига топширади.

10.8. Банки акциядорлар умумий йиғилиши қабул қилган қарорларни, шунингдек овоз бериш яқунларини ўзининг филиаллари тармоғи орқали бу қарорлар қабул қилингандан сўнг кечи билан 45(қирқ беш) кун ичида акциядорлар эътиборига етказилади.

XI. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларини ижро этиш

11.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши қарорлари бажарилиши устидан назорат қилишни, башарти йиғилиш қарорида ўзгача ҳол қайд этилмаган ва йиғилиш баённомасида акс этмаган бўлса, Банк Кенгаши амалга оширади.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари Умумий йиғилишда ҳозир бўлган, шунингдек ҳозир бўлмаган барча акциядорлар томонидан, улар тегишли қисм бўйича бажарилиши мажбурийдир.